

Ўзбекистон Республикаси номидан  
**Х У К М**

2024 йил июнь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди ўз биноси ва Урганч ТТБ биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси Б.А.Якубовнинг раислигида, Н.Рахимованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Урганч тумани прокурорининг катта ёрдамчиси К.Қаландаров, фуқаровий даъвогар Г.Қаландаров, С.Матниязова, Ш.Юсупова, фуқаровий даъвогар вакили Н.Явбосаров, судланувчи Д.Кутлимуратов ва унинг ҳимоячиси “AMIRBEK PARVIZA” адвокатлик бюроси адвокати С.Эгамбердиевларнинг иштирокида, Кутлимуратов Дилшодбек Анварбек ўғлига нисбатан бўлган №1-2202-2401/94-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Кутлимуратов Дилшодбек Анварбек ўғли (Kutlimuratov Dilshodbek Anvarbek o'g'li), 1994 йил 20 апрель куни Хоразм вилоятининг Урганч туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилалик, муқаддам судланмаган, вақтинчалик ишсиз, илгари “Инсон” ижтимоий ҳимоя маркази Урганч тумани бўлимида ижтимоий ходим бўлиб ишлаган, Урганч тумани, Бўстон маҳалласи, Нурли йўл кўчаси, рақамсиз уйда яшаб келган, 2024 йил 13 май кунидан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 17 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандлари билан айбланган.

Суд судланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Д.Кутлимуратов, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимига ишга кириб, хизмат вазифаларига аҳолининг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш каби вазифалар кирган бўлса-да, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, Урганч тумани, Оқ олтин маҳалласида яшовчи фуқаро Қаландарова Гулдон Отажоновна билан уни бола пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилганида ўзи ишлаб



келаётган МФЙ бинотида учрашиб, бола пули тўғрида беришини ваъда қилиб, Г.Каландаровнинг шахсига оид маълумотларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувида бўлган телефон аппарати орқали “Ипотека-банк” мобил иловаси орқали юклашга эришиб, шу тариқа бола пули расмийлаштирилишини айтиб, алдаб, ишончига кириб, “Ипотека-банк” мобил иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни алдов йўли билан жойлаб, унинг номига 2024 йил 29 январь куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 18.000.000 сўм микроқарз кредит маблағини олиб, ушбу пулларни Г.Каландаровага бермасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, 18.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, Д.Кутлимуратов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, такроран, ўзганинг мол-мулкни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, Урганч тумани, “Оқ олтин” маҳалласида яшовчи фуқаро Юсупова Шахло Ходжиевнани моддий ёрдам пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилганида ўзи ишлаб келган МФЙ бинотида 2024 йилнинг январь ойида учрашиб, моддий ёрдам пули тўғрида беришини ваъда қилиб, кейинчалик 2024 йил 11 февраль куни Ш.Юсупова Урганч тумани тиббиёт бирлашмасида даволаниб ётганида унинг ёнига бориб, унга моддий ёрдам бўйича ҳужжатларни тўғрида юрганлигини айтиб, Ш.Юсупованинг шахсига оид маълумотларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувида бўлган телефон аппарати ёрдамида “Ипотека-банк” мобил иловаси орқали юклашга эришиб, шу тариқа моддий ёрдам пули расмийлаштирилишини айтиб, алдаб, ишончига кириб, “Ипотека-банк” мобил иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни алдов йўли билан жойлаб, унинг номига 2024 йил 11 февраль куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 15.700.000 сўм микроқарз кредит маблағини олиб, ушбу пулларни Ш.Юсуповага бермасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, 15.700.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Худди шунингдек, Д.Кутлимуратов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, такроран, ўзганинг мол-мулкни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, 2024 йил февраль ойида Урганч тумани, Оқ олтин маҳалласида яшовчи фуқаро Матниязова Сайяра Касимбаевна билан уни моддий ёрдам пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилганида ўзи ишлаб келган МФЙ бинотида ўзи ишлаб келган МФЙ бинотида учрашиб, моддий ёрдам пули тўғрида беришини ваъда қилиб, С.Матниязованинг



шахсига оид маълумотларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувида бўлган телефон аппарати ёрдамида “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали юклашга эришиб, шу тариқа моддий ёрдам пули расмийлаштирилишини айтиб, алдаб, ишончига кириб, “Ипотека-банк” мобиль иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни алдов йўли билан жойлаб, унинг номига 2024 йил 25 февраль куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 16.690.000 сўм микроқарз кредит маблағини олиб, ушбу пулларни С.Матниязовага бермасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, 16.690.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, Д.Кутлимуратов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, такроран, ўзганинг мол-мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, Г.Каландарованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 02 март куни гўёки фуқаро Г.Каландарова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тариқа 131+24541-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБнинг 2.000.000 сўм пул маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, Д.Кутлимуратов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, такроран, ўзганинг мол-мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, С.Матниязованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 27 март куни гўёки фуқаро С.Матниязова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тариқа 131+27224-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБнинг 4.000.000 сўм пул маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, Д.Кутлимуратов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, такроран, ўзганинг мол-мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, Г.Каландарованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 02 апрель куни гўёки



фуқаро Г.Каландарова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тариқа 13+171225-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБнинг 18.310.000 сўм пул маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Булардан ташқари, Д.Кутлимуратов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, такроран, ўзганинг мол-мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, Ш.Юсупованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 05 апрель куни гўёки фуқаро Ш.Юсупова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тариқа 131+28275-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБнинг 2.210.000 сўм пул маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи Д.Кутлимуратов суд мажлисида, дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 19 октябрдан Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим лавозимида ишлаб келганини, хизмат вазифаларига аҳолининг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш каби вазифалар кирганини, шунга кўра Урганч тумани, Оқ олтин маҳалласида яшовчи фуқаро Каландарова Гулондон Отажоновна бола пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилганида, ўзи ишлаб келган МФЙ биносида учрашиб, бола пули тўғрилаб беришини ваъда қилиб, Г.Каландарованинг шахсига оид маълумотларини ўзининг мобиль телефони орқали “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали юклаб олганини, шу вақти “Ипотека-банк” мобиль иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни ҳам жойлаганини, Г.Каландаровага эса бола пули шу тариқа расмийлаштирилишини айтганини, шундан кейин эса Г.Каландарованинг номига 2024 йил 29 январь куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 18.000.000 сўм микроқарз кредит маблағини олиб, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганини, ушбу олинган кредит қарздорлигини қайтариш мақсадида эса 2024 йил январь ойида ўзига моддий ёрдам пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилган Ш.Юсуповага моддий ёрдам пули тўғрилаб беришини айтганини ва кейинчалик 2024 йил 11 февраль куни Ш.Юсупова Урганч тумани тиббиёт бирлашмасида даволаниб ётганида унинг ёнига бориб, унга моддий ёрдам бўйича ҳужжатларни тўғрилаб юрганлигини айтиб, Ш.Юсупованинг шахсига оид маълумотларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувида бўлган телефон аппарати ёрдамида “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали юклашга эришиб,



шу тарика моддий ёрдам пули расмийлаштирилишини айтиб, “Ипотека-банк” мобиль иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни жойлаб, унинг номига 2024 йил 11 февраль куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 15.700.000 сўм микроқарз кредит маблағини олиб, ушбу пулларни Ш.Юсуповага бермасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб, юборганини, шундан кейин эса ушбу олинган кредит қарздорлигини қоплаш мақсадида моддий ёрдам пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилган С.Матниязовадан шахсига оид маълумотларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувида бўлган телефон аппарати ёрдамида “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали юклаб олиб, шу тарика моддий ёрдам пули расмийлаштирилишини айтиб, “Ипотека-банк” мобиль иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни жойлаб, унинг номига 2024 йил 25 февраль куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 16.690.000 сўм микроқарз кредит маблағини олиб, ушбу пулларни С.Матниязовага бермасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганини, бундан ташқари Г.Каландарованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 02 март куни гўёки ўзини фуқаро Г.Каландарова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тарика 131+24541-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБдан 2.000.000 сўм пул маблағини олиб ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганини, шунингдек яна пулга мухтож бўлганлиги сабабли С.Матниязованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 27 март куни гўёки ўзини фуқаро С.Матниязова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тарика 131+27224-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБдан 4.000.000 сўм пул маблағини олиб ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганини, бундан ташқари яна Г.Каландарованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 02 апрель куни гўёки ўзини фуқаро Г.Каландарова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тарика 13+171225-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБдан пул маблағини олиб ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганини, булардан ташқари, яна Ш.Юсупованинг “Ипотека-банк” мобиль иловасига кириш пароли орқали қайтадан “Ипотека-банк” мобиль илова тизимга кириб, мазкур илова орқали 2024 йил 05 апрель куни ўзини гўёки фуқаро Ш.Юсупова эканлигини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлаб, шу тарика 131+28275-сонли онлайн кредит шартномасини расмийлаштиришга эришиб, Ипотека банк АТИБдан 2.210.000 сўм пул маблағини олиб ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганини, айбига тўла иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, ҳозирги



кунда ўзи томонидан банкдан олинган кредит қарздорлиги тўлиқ бартараф қилинганини, жабрланувчилардан кечирим сўрашини, шуларни инобатга олиб ўзига нисбатан жазо тайинлашда енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Г.Каландарова суд мажлисида, 2024 йил январь ойида Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Д.Кутлимурастовга ўзининг 3 ёшгача бўлган фарзанди учун бола пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилганини, шу вақти Д.Кутлимурастов ўзига бола пули олиш учун ҳужжатлар онлайн расмийлаштирилишини айтиб ўзи ҳақдаги барча маълумотларни телефон аппаратида ёзиб олиб, ўзини фото ва видео ёзувга олганини ва барча ҳужжатларни юборганини ва жавоби келганида ўзи хабар қилишини айтганини, лекин Д.Кутлимурастов ўзига ҳеч қандай хабар бермаганини, кейинчалик эса Д.Кутлимурастов ўзининг маълумотларини “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали юклаш олиб, “Ипотека-банк” мобиль иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни жойлаб, ўзининг номига 2024 йил 29 январь куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 18.000.000 сўм микроқарз кредит олганини кейинчалик пластик картасидан пул ечилганида билганини, шундан кейин банкдан сўраб суриштирганида банк ходимлари унга бу ҳақда айтишганини, шундан кейин ўзининг номига ким кредит олганини аниқлаш мақсадида ИИБга ариза билан мурожаат қилганини ва текширув ишлари давомида ушбу кредитни банкдан Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Д.Кутлимурастов олгани аниқланганини, ҳозирги кунда Д.Кутлимурастовлар томонидан ўзига етказилган моддий зарар қопланиб, ўзининг номига олинган кредит қарздорлиги бартараф қилинганини, шу сабабли Д.Кутлимурастовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар С.Матниязова суд мажлисида, 2024 йил январь ойида Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Д.Кутлимурастовга моддий ёрдам пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилганида Д.Кутлимурастов ўзига моддий ёрдам пули олишда ёрдам беришини ва у билан ўзи хабарлашини айтганини, шундан кейин 2024 йил 11 февраль куни ўзи Урганч тумани тиббиёт бирлашмасида даволаниб ётганида унинг ёнига Д.Кутлимурастов келиб, унга моддий ёрдам бўйича ҳужжатларни тўғрилаб юрганлигини айтиб, бунинг учун ҳужжатлар онлайн расмийлаштирилишини айтиб ўзи ҳақдаги барча маълумотларни телефон аппаратида ёзиб олиб, ўзини фото ва видео ёзувга олганини ва барча ҳужжатларни юборганини, жавоби келганида эса ўзи хабар қилишини айтганини, лекин Д.Кутлимурастов ўзига ҳеч қандай хабар бермаганини, кейинчалик эса Д.Кутлимурастов ўзининг



маълумотларини “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали юклаш олиб, “Ипотека-банк” мобиль иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни жойлаб, ўзининг номига 2024 йил 11 февраль куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 15.700.000 сўм микроқарз кредит олганини кейинчалик пластик картасидан пул ечилганида билганини, шундан кейин банкдан сўраб суриштирганида банк ходимлари унга бу ҳақда айтишганини, шундан кейин ўзининг номига ким кредит олганини аниқлаш мақсадида ИИБга ариза билан мурожаат қилганини ва текширув ишлари давомида ушбу кредитни банкдан Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Д.Кутлимурастов олгани аниқланганини, ҳозирги кунда Д.Кутлимурастовлар томонидан ўзига етказилган моддий зарар қопланиб, ўзининг номига олинган кредит қарздорлиги бартараф қилинганини, шу сабабли Д.Кутлимурастовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Ш.Юсупова суд мажлисида, 2024 йил февраль ойида Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Д.Кутлимурастовга моддий ёрдам пули олишда ёрдам сўраб мурожаат қилганида Д.Кутлимурастов ўзига моддий ёрдам пули олишда ёрдам беришини, бунинг хужжатлар онлайн расмийлаштирилишини айтиб ўзи ҳақдаги барча маълумотларни телефон аппаратида ёзиб олиб, ўзини фото ва видео ёзувга олганини ҳамда барча хужжатларни юборганини, жавоби келганида эса ўзи хабар қилишини айтганини, лекин Д.Кутлимурастов ўзига ҳеч қандай хабар бермаганини, кейинчалик эса Д.Кутлимурастов ўзининг маълумотларини “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали юклаб олиб, “Ипотека-банк” мобиль иловасига шахсини идентификация қилиш учун видео тасвирни жойлаб, ўзининг номига 2024 йил 25 февраль куни онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 16.690.000 сўм микроқарз кредит олганини кейинчалик пластик картасидан пул ечилганида билганини, шундан кейин банкдан сўраб суриштирганида банк ходимлари унга бу ҳақда айтишганини, шундан кейин ўзининг номига ким кредит олганини аниқлаш мақсадида ИИБга ариза билан мурожаат қилганини ва текширув ишлари давомида ушбу кредитни банкдан Урганч тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг “Оқ олтин” ва “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғинларига маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим Д.Кутлимурастов олгани аниқланганини, ҳозирги кунда Д.Кутлимурастовлар томонидан ўзига етказилган моддий зарар қопланиб, ўзининг номига олинган кредит қарздорлиги бартараф қилинганини, шу сабабли Д.Кутлимурастовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар вакили Н.Явбосаров суд мажлисида, “Ипотека банк” мобиль иловаси мижозлар учун қулайликлар яратиш мақсадида



яратилган бўлиб, бу мобиль иловадан барча фойдаланиши мумкинлигини, ушбу иловага дастлаб телефон аппаратида кирилиб, рўйхатдан ўтилишини, рўйхатдан ўтиш қисмида телефон рақами киритилиши ва шу телефон рақамга “смс” код жўнатилиши ва ушбу код киритилганидан кейин пароль ўрнатилиши ва мижоз пароль ўрнатганидан кейин ушбу пароль орқали доимий равишда мобиль иловадан фойдаланиш имконияти пайдо бўлишини, шундан кейин иловага доимий ўрнатиладиган пароль киритилиши ва илова очилганидан сўнг идентификация қисмига мижознинг паспорт серияси, туғилган куни, оий ва йили киритилиши, шундан кейин эса “Face ID” қисмида мижознинг юз қисми туширилиши, мазкур программа орқали киритилган мижознинг паспортдаги сурати билан мижознинг юзи солиштирилиши ва мижознинг юзи туширилганидан кейин паспорт маълумотлари билан бир хиллиги тасдиқланганидан кейин ушбу мижознинг номига рўйхатдан ўтиш яқунланиши, шундан кейин эса мазкур мижознинг “Ипотека банк” даги ҳисоб-рақамлари, пластик карталари, олган кредитлари, омонотлари ва барча маълумотлари юкланиши, шундан кейин мижозга кредит бериш тартиби “онлайн кредит олиш” қисмида амалга оширилиши, шу қисмига олинадиган кредит миқдори танланиши ва оферта шартномасига розилик берилганидан сўнг ажратиладиган кредит миқдори чиқиши, шу билан розилик тугмаси босилганидан сўнг кредит ажратилиши, ажратилган кредит электрон хамёнга тушиши, электрон хамён эса мижоз рўйхатдан ўтгандан сўнг автоматик равишда очилиши, айнан шу жойдан хоҳлаган пластик картага пул ўтказиб, ушбу ажратилган маблағлардан эркин фойдаланиш мумкин бўлишини, мазкур онлайн микроқарз фақатгина иш ҳақи лойиҳаси иштирокчиси, давлат ва бюджет ташкилотлари ходимларига берилиши, ҳеч қаерда ишламайдиган шахсларга онлайн микроқарз ажратилмаслигини, ушбу “Ипотека-банк” мобиль иловаси орқали 2024 йил 29 январь куни фуқаро Г.Каландарованинг номига онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 18.000.000 сўм микроқарз кредит маблағи ажратилгани, шунингдек Ш.Юсуповага 2024 йил 11 февраль куни 15.700.000 сўм ҳамда 2024 йил 25 февраль куни С.Матниязовага онлайн кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда 16.690.000 сўм микроқарз кредит маблағини ажратилганини, булардан ташқари 2024 йил 02 март куни фуқаро Г.Каландаровага 131+24541-сонли онлайн кредит шартномасига асосан “Ипотека банк” АТИБдан 2.000.000 сўм, 2024 йил 27 март куни фуқаро С.Матниязовага 131+27224-сонли онлайн кредит шартномасига асосан 4.000.000 сўм, 2024 йил 02 апрель куни фуқаро Г.Каландаровага 13+171225-сонли онлайн кредит шартномасига асосан 18.310.000 сўм ва 2024 йил 05 апрель куни фуқаро Ш.Юсуповага 131+28275-сонли онлайн кредит шартномасига асосан 2.210.000 сўм олингани ва ушбу пул маблағлари ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли мижозларнинг пластик картасидан автоматик тарзда ечиб олинганида, ушбу мижозлар нима сабабдан пластик картасидан пул ечилганини билиш мақсадида “Ипотека банк” АТИБга мурожаат қилишгани ва олиб борилган текширув ишлари давомида ушбу юқорида қайд қилинган кредит маблағлари кейинчалик исми маълум бўлган



Д.Кутлимурастов томонидан олингани аниқланганини, ҳозирги кунда юқорида қайд қилинган кредит маблағлари “Ипотека банк” АТИБ ҳисобига тўланиб, қарздорлик тўлиқ бартараф қилинганини, шу сабабли “Ипотека банк” АТИБнинг ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, фуқаровий даъвогар Г.Каландаров, С.Матниязова, Ш.Юсупова, фуқаровий даъвогар вакили Н.Явбосаров, судланувчи Д.Кутлимурастов ва унинг ҳимоячиси С.Эгамбердиевларнинг важларини жиноят иши материаллари билан ўрганиб чиқиб, судланувчи Д.Кутлимурастовнинг жиноят содир қилганликдаги айби, у ўз айбига тўлиқ иқрор бўлганидан ташқари, унинг айби фуқаровий даъвогарларнинг дастлабки тергов ва суд мажлисида берган кўрсатувлари, иш бўйича ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан Д.Кутлимурастовнинг такроран, хизмат мавқеидан ва ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик, яъни алдаш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритганликда ифодаланган жинойи ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2023 йил 23 июндаги №17-сонли қарорининг 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади. Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан тугалланган деб топиш лозим. Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан (масалан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олинishi шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқ рўйхатга олинган пайтдан; шартнома тузилган вақтдан; мулкка нисбатан шахснинг ҳуқуқи тан олинган суд қарори кучга кирган кундан; ваколатли давлат органи айбдорда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган кундан) тугалланган ҳисобланади”-деб, 22-бандида “Тушунтирилсинки, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси учинчи қисми “г” банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари,



алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилади. Бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин. Ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимида кириб ёки ундан фойдаланиб содир этилган ўғирлик жиноятдан фарқлашда шуни назарда тутиш лозимки, фирибгарликда жабрланувчи алдов ёки ишончи суиистеъмол қилиниши оқибатида мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни ахборот технологияларидан фойдаланиб айбдор эгаллигига ихтиёрий равишда ўтказди, бунда мулк ўз эгаллигидан чиқиб кетаётганлигини жабрланувчи англаган бўлиши керак”-деб, тушунтириш берилган.

Суд судланувчи Д.Кутлимурамовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли Қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак. Булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозим”-деб берилган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди”-деб қайд қилинганини инобатга олиб унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, содир қилган жинояти натижасида етказилган моддий зарарнинг миқдори ва тўлиқ қопланганини, фуқаровий даъвогарларнинг унга



нисбатан қонуний чора кўришни сўраганликларини эътиборга олган ҳолда айбли деб топилаётган ЖК моддаси санкцияси доирасида жазо тайинлашни;

жиноят натижасида фуқаровий даъвогар Г.Каландаров, С.Матниязова, Ш.Юсупова, фуқаровий даъвогар вакили Н.Явбосаровларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни;

манфаатдор тарафга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарар етказилган бўлса ундириш мақсадида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишини юритиш тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Кутлимуратов Дилшодбек Анварбек ўғли (Kutlimuratov Dilshodbek Anvarbek o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Кутлимуратов Дилшодбек Анварбек ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 1 йил давлат органи ёки давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Урганч тумани ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойда ўтатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташ муддати судланувчи белгиланган жойда иш бошлаган кундан, давлат органи ёки давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган жазони ижро қилиш Урганч тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Д.Кутлимуратовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят натижасида фуқаровий даъвогар Г.Каландаров, С.Матниязова, Ш.Юсупова, фуқаровий даъвогар вакили Н.Явбосаровларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Манфаатдор тарафга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарар етказилган бўлса ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.



Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва фуқаровий даъвогар(вакили) ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди орқали Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Хоразм вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

ИМЗО

**Б.А.Якубов**

Аслига тўғри:

